

Аллоҳ ҳар бир нарсани билиб туради



19:00 / 04.11.2025 728

﴿٣٨﴾ مَجْسُورَاتٍ إِلَىٰ شَيْءٍ مِّنَ الْكِتَابِ فِي فَرْطِنَا مَا أَنشَأَكُم مِّنْ أُمَّةٍ إِلَّا جَنَّا حَيْدُ يَطِيرُ ظَنِيرٌ وَلَا الْأَرْضِ فِي دَابَّتٍ مِّنْ وَمَا

«Ер юзидаги жонзот ва икки қаноти ила учадиган қуш борки, ҳаммаси сиз каби умматлардир. Китобга ҳеч нарсани қўймай, ёзганмиз. Сўнгра Робблари ҳузурига тўпланурлар» (Анъом сураси, 38-оят).

Бу оламда фақат одамларгина эмас, кўплаб бошқа жонзотлар ҳам яшайдилар. Уларни ҳам Аллоҳ таоло яратган. Ер юзида юрадиган ҳамма жонзотларни – туёғи билан юрадими, судралиб юрадими, икки оёқ, тўрт оёқ ёхуд кўп оёқлими ёки бошқа восита билан юрадими, учадими – ҳамма ҳаммасини Аллоҳ таоло яратган. Агар улардан бирортасини бошқа зот яратганини даъво қилувчи бўлса, марҳамат, исбот қилсин. «Ҳайвонлар ўз-

Ўзидан пайдо бўлиб, сўнгра босқичма-босқич ривожланади», деганлар аслида кимлар эканига ва оқибати нима бўлганига бизнинг авлод гувоҳ бўлди. Инсоннинг бу соҳадаги ожизлиги шу даражадаки, у ҳатто қанча турдаги жонивор борлигини ҳам аниқ билмайди. Агар билганида, янги ҳайвонлар топилгани ҳақида тез-тез хабарлар чиқиб турмас эди. Агар инсон инсофга кириб, Аллоҳ таоло томонидан яратилган мазкур ҳайвонларнинг энг кичигини олиб, ўрганса ҳам, катта мўъжиза қаршисида турганига амин бўлади ва Аллоҳ таолога иймон келтиради. Шунингдек, осмонда нимаики учиб юрган бўлса, ҳаммасини Аллоҳ яратган. Бошқа ҳеч ким яратган эмас. Улардан қай бири танлаб олиб, ўрганилса ҳам, катта мўъжиза экани аён бўлади.

Ояти каримада ердаги ва осмондаги жонзотлар ҳам худди инсонлар каби, умматлар экани таъкидланмоқда.

«Ер юзидаги жонзот ва икки қаноти ила учадиган қуш борки, ҳаммаси сиз каби умматлардир».

Яъни уларнинг ҳаётларида ҳам тирикчилик, оила, туғиш, кўпайиш сингари инсонларга хос ишларга ўхшаш жиҳатлар бор. Уларни ким бундай қилиб яратди? Уламолар кўпинча асалари ва чумолини мисол қилиб келтирадилар. Мутахассисларнинг фикри билан танишган одам бу икки умматнинг жамоа ҳаёти Аллоҳнинг қудратидан эканига тан бермай илож йўқ.

Ана шундай кўп ва мураккаб жонзотларни яратиб, ҳар қадамда учрайдиган мўъжиза қилиб қўйган Аллоҳдан яна Пайғамбарини тасдиқлаш учун мўъжиза туширишини сўраш ўтакетган шаккокликдан ўзга нарса эмас.

Шу билан бирга, Аллоҳ уларнинг ҳаммасини махсус китобга ёзиб ҳам қўйган, қиёмат куни қайта тўплайди ҳам.

«Китобга ҳеч нарсани қўймай, ёзганмиз. Сўнгра Робблари ҳузурига тўпланурлар».

Бу нарсаларни билиб туриб, кўнгли юмшамаган, ҳидоят топмаган одам қандай одам бўлиши мумкин?

﴿مُسْتَقِيمٍ صِرَاطٍ عَلٰیٰ يَجْعَلُهُۥ نَبَاً وَمَنْ يُّضِلِّهِ اللهُ فَمَا لَهٗ مِنْ اَلظُّلْمٰتِ فِيۡ وَجْهِكُمْۙ صُغُرٰٓيُنَاۙ كَذٰبُوۡاۙ وَالَّذِيۡنَ

«Оятларимизни ёлғонга чиқарганлар зулматлар ичра кар ва соқовдирлар. Аллоҳ кимни хоҳласа, адаштирур ва кимни хоҳласа,

тўғри йўлда барқарор қилиб қўядир» (Анъом сураси, 39-оят).

Юқоридаги «Бу нарсаларни билиб туриб кўнгли юшмаган, ҳидоят топмаган одам қандай одам бўлиши мумкин?» деган саволнинг жавоби ушбу оятда зикр этилмоқда.

«Оятларимизни ёлғонга чиқарганлар зулматлар ичра кар ва соқовдирлар».

Бундан маълум бўладики, Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқариб, кофир бўлганлар сезги аъзолари номукамал одамлардир. Гарчи уларнинг бошқалар каби кўриш, эшитиш ва гапириш аъзолари бўлса ҳам, бу аъзолар илоҳий ҳақиқатни кўришга, эшитишга ва гапиришга қодир эмас. Улар зулмат аҳлидирлар – нурни кўрмайдилар. Улар кардирлар – ҳақни эшитмайдилар. Улар соқовдирлар – ҳақни гапира олмайдилар. Бу ҳодиса ортида Аллоҳнинг хоҳиши турибди.

«Аллоҳ кимни хоҳласа, адаштирур ва кимни хоҳласа, тўғри йўлда барқарор қилиб қўядир».

Аллоҳ – хоҳиши чексиз Зот. Аллоҳ Ўз иродаси ила инсонни яратди. Унга ақл берди. Йўл кўрсатди. Инсон йўл танлайди, Аллоҳ уни юргизади. Инсон ана шу танлови учун мукофот ёки жазо олади. Хуллас, Аллоҳ ҳар бир нарсани билиб туради.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 22 октябрдаги 02-07/6395-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.